

Ishonch

Моҳият
Юрти тинч, ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузю қиши ҳам — кўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади.
 Ислои КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Қарор ва ижро



Қишга ёзнинг сарҳил мевалари

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Uni green» масъулияти чекланган жамиятининг совутичи оғиборида уч минг тоннагача қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг модий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бу ерда вилоят фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томонидан етиштирилган мева-сабзавот сифатли сақланмоқда. Замонавий технология асосида жиҳозланган оғиборхонада 25 киши иш билан таъминланган.

Суратларда: ишчи Шарофиддин Жабборов; ишчилар (чапдан) Шарофиддин Жабборов, Шаҳноза Тоғаева, Нигина Тўхтаева, Зебо Тўлағанова.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар



● **Касаба уюшма фаолияти ойнаси**

«Шоҳи сўзана»га сайқал берилмади

Ушбу сарлавҳани ўқиши биланок зукко газетхонинг ёдига адаб Абдулла Қаҳҳорнинг Мирзачўл чўлқуварлари ҳаётидан олиб ёзилган «Шоҳи сўзана» драмаси тушади. Дарвоқе, биз ҳам шу ҳақида, аниқроғи, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида адаб бир муддат яшаб, ўша машҳур драмасини яратган қишлоқ, яъни ҳозир асар қаҳрамонларининг фарзандлари ва набиралари яшайтган «Абдулла Қаҳҳор» маҳалласи ҳақида ёзмақчимиз.

Ўтган куни аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ва долзарб вазифаларга бағишланган ҳукумат селектор-йиғилишидан сўнг Сирдарё вилоят ҳокимлигида мазкур «Абдулла Қаҳҳор» маҳалласини намунали масканга айлантириш масаласи атрофида муҳокама этилди. Чунки «сим орқали мажлис»да Гулистон тумани томорқа хўжалигини ривожлантиришда сусткашликка йўл қўйилаётган ҳудудлар қаторида танқид қилинган, гўё буни олдиндан сезишгандай, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фаоллари тўрт кун давомида шу тумандаги «Абдулла Қаҳҳор»

маҳалласида мониторинг ўтказиши, уни «намунали маҳалла»га айлантириш юзасидан таклиф-режаларини ҳокимликка тақдим этишган экан.

Мониторинг натижаларига қараганда, касаба уюшма фаоллари маҳалладаги мавжуд 372 та хонадоннинг ҳар бирига биттама-битта кириб чиқиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли билан яқиндан танишиб, аҳолининг кайфияти ҳақида таҳлилий хулоса тайёрлашган. «Хонадон паспорт»ни мукамаллаштириш мақсадида ўтказилган бу мониторинг кўпдан-кўп бошқа масалаларга ҳам ойдинлик киритди.

Жами 45 гектар томорқа майдони борлигини

этиборга олсак, маҳалла аҳолининг ўз фаровонлигини таъминлаш имконияти нечоғлик, деган саволга жавоб топамиз. Касабақўллар намунали деб топган 38 та ва ногиронлиги сабаб томорқасидан фойдалана олмаётган 4 та хонадоннинг борлиги (бу хонадонларга ҳудуддаги коллеж ўқувчиларидан ёрдамчилар ажратилиб, экин экиш чоралари қўрилмоқда) ҳам ривожланиш нисбати тараққиёт сари эврилганини кўрсатади. Яна 6 та хонадон эгалари бизнес-режага тушадиган таклиф билан чиқшган (улар иссиқхона ва инкубатор қуриш, савдо шохобчалари очиш учун 90 млн. сўм кредит сўрашмоқда). Ошхона, сартарошхона, балон ямаш устaxonаси, шоли оқлайдиган тегирмон, иккита ун тегирмони ва 6 та савдо дўкони бу ердаги сервис хизмати манзарасига бир қадар ойдинлик киритди. Маҳалла аҳолининг кучи билан 800 метр ариқ-заурурлар тозаланган.

Бунинг акси ўларок, 80 та хонадонда чорва молларининг йўқлиги, 142 та хонадонда пар-

ранда парваришланмаётгани шунча оила гўшт, сут ва тухум учун шаҳарга чопишини билдиради. Қишлоқда яшаб туриб, бор имкониятдан фойдаланмасдан, бозордаги нарх-навоининг ошишига ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг қўлимшини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдди, албатта.

— Агар 7 км. коллектор ва 5 км. ариқларни тозалаш, маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мавжуд трансформаторни юқори кучланилиши билан алмаштириб беришда ёрдамлашиб юборилса, қишлоғимизни Абдулла Қаҳҳор ёзганидек яна «Шоҳи сўзана»га айлантиришни ўзимизга қўйиб берасизлар, — дейишмоқда маҳалла аҳли.

Вилоят ҳокимлиги бу талабга пешвоз чикди ва ҳар бир туманда мана шундай мониторинг намунали маҳалла ўлчамлари асосида ишни ташкил этиш юзасидан тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берди.

Ўз мухбиримиз

Ўзининг ҳалол ва фидойи меҳнати билан мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган чўлқуварларимиз йил сайин қувончли натижаларга эришмоқда. Ана шу жараёнда Агрорасноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қоровулбозор туман кенгаши таркибидagi 12 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари атрофида бирлашган 2535 нафар аъзо ҳам давр билан ҳамнафас қадам ташламоқда.

Томорқа — хазина

Дастурхон тўкинлиги — турмушимиз зийнати

Жорий йил бошида «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг тўхфам» ташаббуси кенг қулоч ёйганди. Ушбу давлат корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжаликлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди. Натижада жойларда 500 минг тупдан зиёд гул, мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Ҳадемай ушбу кўчатлар кўкка бўй қўзиб, чўлини бўстонга айлантиради, мўл ҳосил беради, ризқ-рўзимиз янада кўпаяди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати юзасидан ҳам «Ризқ-насибимиз файзу баракаси, фаровонлик мезони» шиори остида дастлаб туман кенгашиимизда, кейин барча бошланғич ташкилотларда тадбир ишлаб чиқилди. Дастурхон тўкинлиги — турмуш зийнати эканлигини инобатга олиб, ташкилотларда, айниқса, хонадонларда озик-овқат экинларини кўпайтириш, томорқалардан сама-

рали фойдаланиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни янада ривожлантириш борасида иштирокчи режалар асосида қизгин иш бормоқда.

«Халқимизнинг «Сен ерни боқсанг — ер сени боқди» деган пурмаъно нақли бекорга айтилмаган. Бугунги кунда инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, ҳар жиҳатдан фойдали маҳсулотларни етиштириш учун имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам, шарт-шароит ва имтиёзлар ҳам етарли». Мурожаатдаги ушбу ҳаётий сўзлар бевосита бизга дахлдор деб ўйлаймиз. Чунки юрагида ўти, қалбига гурури, биллигида кучи, эртасига умиди бор ҳар қандай инсон яратувчиликка қодир.

Туманимизда эл ризқ-рўзини кўпайтириш борасида олиб борилаётган тадбирларда ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлапти. Бевосита уларнинг ташаббуси билан мазкур Мурожаат меҳнат жамоаларида, қишлоқларда кенг тарғиб қилинапти.

Туманимизда 15 минг нафардан ортиқ аҳоли бўлса, уларнинг 11 минг нафардан зиёди биз билан ҳамкорликдаги жамоалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари-

ни ташкил этади. Хонадонлар ихтиёрида 663 гектар томорқа ерлари бор. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари, корхона, ташкилот ва муассасаларга тегишли 250,4 гектар сабзавот, 33,5 гектар полиз, 27 гектар мевозор, 12 гектар узумзор мавжуд. Гарчи ушбу майдонларда етиштирилаётган озик-овқат маҳсулотлари шу ерда яшайдиган аҳоли эҳтиёжини қондираётган бўлса-да, бугунги давр талаби янада юксакроқ натижаларга эришишга ундамоқда.

Аҳоли томорқаси ва бошқа жамоалар ихтиёридаги озик-овқат экинлари майдонларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, бозорлар тўкинлигига ҳам муносиб ҳисса қўйишни таъминлаш мақсадида туманимизда 3 та гуруҳ тuzилди. Туман ҳокимлиги, ички ишлар, прокуратура, касаба уюшмалари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ ташкилоти вакиллари билан бирлашган гуруҳлар жойларда қизгин фаолият юритмоқда. Бу ҳаракатлар келгусида ўзининг ижобий самарасини беришига шубҳа йўқ.

Жамил ЖҲРАЕВ, Агрорасноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қоровулбозор туман кенгаши раиси

Тараққиёт

Рости, туман марказидан анча олисдаги қишлоқда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилаётганлигини эшитиб, кўплар таажжубланган эди. Ахир корхонани-ку қуриш мумкин, аммо уни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилади?

Қишлоқ корхонаси жаҳон бозорини забт этмоқда

— Ҳозирги пайтда корхонада ишлаётган 50 га яқин ёшларнинг барчаси қишлоғимиз вакиллари, — дейди Олтиарик туман Полосон қишлоғидаги «Фрамодда текстил» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси раиси Зурадхон Обиджонов. — Корхонамиз Япониянинг энг замонавий дастгоҳлари билан таъминланган. Бичувчи Шохсанам Абдураҳимова, Зиеда Эргашева, Нигора Каримова сингари тикувчиларимиз мураккаб чет эл технологиясини ишчилик билан бошқармоқдалар. Ҳолбуки, ишлаб чиқаришдаги барча жараёнлар тўлиқ компютерлаштирилган. Маҳаллий ёшлар бу жараёнларни тез ва аъло даражада бошқаришни ўзлаштириб олганлар.

Корхонада тайёрланган трикотаж маҳсулотлари, спорт кийимлари юқори сифатли жаҳон стандартлари ташаббурига тўла жавоб беради. Яна бир муҳим жиҳат шуки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 100 фоиз пахта толасидан тайёрланади. Пахта толасидан тайёрланган трикотаж маҳсулотларга эса, сир эмаски, талаб катта. Айнан шунга кўра, ҳозирги пайтда бу саноат даргоҳида ишлаб чиқарилаётган 50 дан ортиқ тур-

даги тайёр маҳсулотлар нафақат Ўзбекистон дўконларига, балки чет эл бозорларига ҳам чиқаришмоқда. — Маҳсулотимиз сифатининг юксаклиги, уларнинг замонавий дастгоҳларда, юқори малакали ишчилар томонидан тайёрланаётганлиги чет эллик ишбилармонларни ҳам қизиқтирипти, — дейди жамият раҳбари Авазбек Абдураҳимов. — Шу йилнинг октябр ойига қадар 138 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларимиз хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Бу эса корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг қарий ярми деган гап. Жамиятимиз цехларида ҳозирнинг ўзида ойига 300 минг дон трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд. Шунга қарамай, биз корхона янада кенгайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш учун ҳаракат қилияпти.

Ҳа, юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам чет эл бозорларини забт этадиган шундай корхоналар сафи кенгайиб бораётгани омилор халқимиз салоҳиятининг амалий кўриниши, албатта.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах

Вилоятда ташаббус, интилиш, инвестиция омиллари тўғрисида жаҳон андозаларига мос ишлаб чиқариш корхоналари қад кўтармоқда.

Йилнинг ўтган даврида 21 та лойиҳага 17 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий сармоя жалб этилди. Мебелсозликда чет эл технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, аккумулятор заводидa модернизациялаш жараёни кетмоқда. Форшда эса камиди 40 йилга етadиган цемент хомашёси захираси борлиги аниқланиб, завод қурилишига тайёргарлик ишлари борапти.

Хоразм

Урганч туманидаги «Йўлдош танобчи» хусусий фирмаси олти йил муқаддам икки нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди. Эндиликда бу ерда меҳнат қилаётганлар сони йигирмага етди. Мавжуд цехларга Россия ва Хитойнинг энг сўнги русумдаги жиҳозлари ўрнатилган бўлиб, асосий хомашё Қувасой шахридаги «Кварц» акциядорлик жамиятидан келтирилмоқда.

Айни пайтда ишча ва ойнадан замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган ўн беш турдан зиёд қурилиш ҳамда халқ истеъмолчи моллари тайёрланаётган Маҳсулотлар пикирлиги ва рақобатбардорлиги билан харидорларга мансур бўлапти. Фирма раҳбарияти тайёрланаётган маҳсулотлар доирасини янада кенгайтириш, бунинг эвазига янги ишчи ўринлари яратиш устида изланишлар олиб борапти.

Сирдарё

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума кuni Сирдарё вилоят ҳокимлигида мутасадди идора раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирокида «Очк эшиклар кунини» ўтказилади. Ҳозиргача икки юздан ортиқ тадбиркорларнинг ер ажратиш, бўш бинолардан фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш сингари масалалар бўйича кўплаб муаммолари ўз ечимини топди.

2012 йил — Мустақкам оила йили

Гурум кўргони Курама тоғлари бағрида жойлашган. Холхўжа аканинг ҳовлиси кўргоннинг кунҷикари тарафда. Шаффоф, муздек сув оқадиган сой соҳилида оқсоқолнинг шийони бор. Гурумга келган бирорта киши бу ерда бир пилла чой ичмасдан, хангома-ю аския эшитмасдан кетмайди. Шу боис у эл орасида «Гурум гурунхонаси»га айлиб кетган.

Холхўжа ака билан чамаси 20 йиллар аввал танишгандим. Ёдимда, ўша кунлар Жигаристон қишлоғи тоғ кўчкиси остида қолиб, ангрениклар бошига оғир кулфат тушганди. — 1991 йилнинг 4 май куни ўзбекнинг Жигаристон деган кўҳна қишлоғи борлигини дунё билди, — дейди у. — 54 нафар инсон кафансиз кўмилди, қалбимизда битмас жароҳат, тоғдек армон бўлиб қолди ўша тонг...

Оқсоқол

Бошга иш тушганда, дўст синалади. Жигаристонликларга ҳамдард, мадад бўлганларнинг саноғи йўқ эди, бироқ айрим дёнатсиз кимсалар бундан-да ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишди. Шундай мураккаб пайтда Холхўжа ака эл фидойиси бўлиб майдонга чиқди. Аммо бунинг учун айрим амалдорлар уни аяб ўтиришмади. Бошига не-не маломатлар ёғилди, кўрмаган ҳўрлиғи қўлмади. Шукрим, истиқлол бўли кўрсатиб, дорилоним кунлар келди ва кўнлар қатори унинг ҳам елкасига оғир оғир келди.

Саккиз йилдики, Гурум маҳалласи фуқаролар йиғини раиси. Оқсоқолликни қабул қилган 2003 йил унинг идораси ҳам йўқ эди. Бирон юмш чиқиб қолса, ҳамқишлоқлари тўғри уйига боришарди. Бироз фурсат ўтиб, муаммо ечимини топди. Хатто, янги идора қошида савдо дўкони ва тиббий шохобча учун жой ҳам ажраттирди. Кейин эса маънавият ва маърифат хонаси, сартарошхона қад ростлаб, маҳалла гуза-

худудимизга файз бағишлаб турибди. Дарҳақиқат, оқсоқолнинг вазифаси идорада ўтириб олиб, маълумотномаларга имзо чекиш ёки тўйма-тўй юриб ваъз ўқиш эмас, балки эгилганнинг бошини силаб, ўқининг кўнглини овлаш, эл билан бирга бўлиш, унинг дардини ҳис этиш, қорига яраш демакдир. Холхўжа Юнусов ўзига билдирилган ишончини бекаму кўст адо этаётди. Гурум маҳалласидаги оқсоқоллик, хотиржамликда унинг ҳам қатнаш ҳиссаси бор. Тўйлар тўйга уланмоқда. Фаровон турмуш давом этмоқда. Ажралиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Мабодо шундай ҳолат юзага келадиган бўлса, оқсоқол яраштирув комиссиясига бош бўлиб, муаммо туғини енчагунча кўймайди. Айтганча, Холхўжа ака ҳазрати Навоийнинг ашаддий мухлиси. Уйи тўла китоб, ушбу сатрларни қайта-қайта тақроллашни хуш кўради. Ранж кўрмай киши топармоқ, Кўнгли ўртанмайин ёнарми чароқ, Тухум ерга кириб чечак бўлди, Кўрт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухумича рағбатинг йўқми, Ипак куртичалик қимматинг йўқми?... Тўхтамурод ҲАСАНОВЕВ Ташкент вилояти

Мулоқот Ҳаёт гултожи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига «Қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат пойдевори» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат раиси ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор Мавжуда Ражабованинг «Инсон, унинг манфаатлари ҳуқуқ ва эркинликлари — энг олий қадрият». Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси сенатор Фариди Абдурахимованинг «Мустақкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини» мавзусидаги маърузалари профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан қизгин кутиб олинди.

«Қонун — адолат деганидир, — деди М.Ражабова. — Адолат эса барчанинг жамият олдидики бурч ва масъулиятлари тенг эканлигини билдиради. Модомики, тенглик мавжуд экан, муносабат ҳам шунга мос бўлиши керак. Тadbирда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришмоқчи оstonасида» китоби юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, жумладан, университет тарих кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Дилором Бобонова шундай деди: — Мамлакат тарихини билмоқчи бўлганлар учун «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асаринг энг ишончли манбадир. Ўша кунларни кўрган, бошдан кечирган, ўз кўзи билан кўрган ва ушбу жараёнларда қатнашган одамлар бор. Лекин ҳамма ҳам воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўла тасаввур этиш имкониятига эга эмас. Юқоридики номи зикр этилган китоб эса ушбу масалада юзага қалқиб чиқиши мумкин бўлган барча саволларга жавоб беради. Ўз мухбиримиз

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига 10207 нафар талаба бакалавр, 380 нафар талаба магистр йўналишида тахсил олаётди. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий манфаатлари, қолаверса, муаммоларини ҳал этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида талабалар касба уюшмаси фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар кўмита назоратида.

Талабалар касба уюшмасида

Сизнинг қимоячингиз



2008 йилдан бошлаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган талабаларнинг шартнома пулларини тўлашга кўмаклашиш йўлига қўйилди. 2008-2009 ўқув йилида 2 нафар талабанинг шартнома тўлови тармоқ ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан қопланган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида 1 нафар кам таъминланган, 2010-2011 ўқув йилида эса 2 нафар боқувчисини йўқотган талабага моддий ёрдам берилди.

— Айни пайтда университетда 102 нафар ногирон талаба тахсил олмақда, — дейди кўмита раиси Истам Раҳмонов. — Жисмоний имконияти чекланган, ногирон талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, ўз қобилият ва истеъдодларини намойён қилишига шарт-шароит яратиш мақсадида турли тadbирлар ўтказиш аънаанага айланган бўлиб, хусусан, ногирон талабалар ўртасида «Ноёб талант соҳиблари» мавзусида кўрик-танлов эълон қилинди. Бу, ўз навбатида, иқтидорли ёшларни кашф этиш имконини берди.

Республика кўзи оқизлар жамияти билан ҳамкорликда «Мархабо, талантлар» кўрик-танлови ташкил этилиб, ўнда университетда тахсил олаётган кўзи оқиз талабалар шеръиёт, қўшиқ санъати борасида ўзларини намойён қилишди.

Ҳар ойда ногирон, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд талабаларга касба уюшма маблағидан моддий ёрдам ажратилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун факультет касба уюшма кўмитаси тавсияси ва рибсат қарорига асосан моддий ёрдам уюштирилмоқда. 2010 йилда 180 нафар талабага моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг май ойигача 110 нафар илми тўлаб қўллаб-қувватланди.

Талабаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун қўлайлик яратиш ҳам касба уюшмасининг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Кўмита ҳисобидан талабалар Ўзбек Миллий академик драма, Мукимий, Алишер Навоий номидаги театрларга бориши учун бепул чипта билан таъминланди. Ушбу мақсад учун жорий йилда 6 млн. 900 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Ёшларни миллий қадриятлар ва истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида университетда тахсил олаётган иқтидорли, жамоат ишларида фаол талабаларнинг юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳати уюштирилмоқда.

Университетда 6 та спорт тўғрисида фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили ўтказилаётган спорт мусобақалари ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 2010-2011 йилларда талабалар касба уюшмаси маблағидан 8 млн. 797 минг сўм сарфланди.

Талабаларни соғломлаштириш асосан университетнинг «Хумсон» ўқув-дала амалиёти базасида амалга оширилди. Жорий йилнинг ёзги мавсумида табиий фанлар, ҳарбий таълим ва санъат факультетининг 600 нафардан ортиқ талабаси дала амалиётини ўташ билан бир вақтда саломатликларини мустаҳкамлаб олишди.

Университетда 8 та талабалар турар-жойи мавжуд бўлиб, уларда 2400 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Талабалар турар-жойлари ёзги таътил даврида қайта таъмирланди. Бу ерда маънавият, кичик кутубхона ва ўқув хоналари ташкил этилган бўлиб, турли бадий китоблар, илмий-оммабоқ журнал ва гезетлар билан таъминланган.

Кўриниб турибдики, талабаларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча имкониятлар мавжуд. Қолаверса, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ва уларни қўллаб-қувватловчи талабалар касба уюшма кўмитаси доимо уларга хайрихоҳ.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, журналист

Тadbир Аёллар манфаати йўлида

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят кенгашида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тadbирда ИИБга қарашли физиотерапевтик шифохонаси маъмурияти, вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда банк ташкилотларида ишловчи хотин-қизларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун яратилган шарт-шароитлар муҳофизат этилди. Сўзга чиққан физиотерапевтик шифохонаси касба уюшма кўмитаси раиси Муҳаббат Атамурзаева, АТ «Туронбанк» касба уюшма кўмитаси раиси Феруза Ганиева, «Миллийбанк» касба уюшма кўмитаси раиси Шоира Мингбаева, шаҳар «Бандлик» маркази касба уюшма кўмитаси раиси Ҳалима Муродова ишловчи хотин-қизларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш, аёлларнинг тиббий кўриқдан ўтказиши, оналик ва болаликни муҳофизат қилишга кўмаклашиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кўчайтириш тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси масъул котиби



Ишхона қойдаси — умр фойдаси

Марказий кенгаш тизими кўп тармоқли бўлиб, нефть, газ, кимё, энергетика, кўмир саноати ҳамда геология тармоқларини ўз ичига олади. Эътироф этиш лозимки, тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ишловчи меҳнаткашлар хавфли, зарарли омиллар билан боғлиқ иш шароитларида ишлайди.

Шу боисдан Марказий кенгаш меҳнат муҳофазаси хизмати мутахассислари жойлардаги корхона маъмуриятлари билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик тамойили асосида меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик техникаси юқори даражада бўлиши учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

Меҳнатни муҳофизат қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши жамоатчилик асосида сайланган вакиллар томонидан амалга ошириляпти. Шунинг билан олиб, уларнинг масъулияти ва билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, сифат даражаси ҳамда сонига эъти-

бор ортиб бормоқда. Масалан, тармоқда 2008 йилда 4 минг 800 нафар вақил сайланган бўлса, жорий йилнинг шу вақтига келиб уларнинг сони 5234 нафарга өтди. 4 минг 598 нафари махсус дастур асосида ўқитилиб, мустақил фаолият кўрсатишлари учун руҳсатнома берилди.

Вакилларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, самарали ишлаши учун шароит яратиш бериш, фаол ишлаб келаётганларни рағбатлантириш масаласига бошланғич ташкилотлар катта эътибор қаратмоқда. Ушбу йўналишида тармоқ касба уюшма Марказий кенгаши, вилоят кенгашилари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. «Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи», «Аммофос заводи», «Максам-Чирчик», «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятлари, «Узтрансгаз» акционерлик компаниясига қарашли корхоналарда амал қилаётган жамоа шартномаларига вакилларнинг рағбатлантириш бориш банди ҳам киритилган бўлиб, шундай ҳолатни бошқа корхона-

ларда ҳам қузатиш мумкин. Утган йиллар давомида Марказий кенгаш иш режасида биноан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг» компанияси, «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясининг мутасадди ходимлари билан ҳамкорликда 2010-2011 йиллар давомида тармоқдаги корхона ва ташкилотларнинг иш бевувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш борасидаги фаолиятлари ўрганиб чиқилди. Ушбу жараёнда корхоналардаги меҳнатни муҳофизат қилиш ходимларига, касба уюшма ташкилотли қошидаги гуруҳларга ҳамда жамоатчи вакилларга амалий ёрдам берилди.

Марказий кенгашнинг Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги вакилиги ходимлари билан ўтказилган республика семинар-кенгашларида ўта долзарб бўлган меҳнат муҳофазаси масалалари ўрганиб чиқилди.

Шу ўринда фактларга мурожаат этайлик. Амалга оширилган ижобий ишлар натижасида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сони йил сайин камайиб бораётди. Масалан, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 27 та бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, 2011 йилнинг дастлабки 6 ойида 17 та шикастланмиш қайд этилган.

Таъкидлаш ҳозики, содир бўлаётган ҳар бир бахтсиз ҳодиса юзасидан аниқланган факт бўйича маъмурият билан қўшма мажлис ўтказилиб, боқувчисини йўқотган оилаларга тоvon пуллари ва нафақалар ўз вақтида тўлаб берилмоқда. Лекин — инсон умри азиз.

Шунинг ўрнига ҳар бир ишчи-хизматчи ишга тушиши жароҳатланганини истамаса, қонун-қоидага албатта амал қилиши зарур.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Қувасой шаҳар 90-махсус мактаб-интернатда тарбиячи лавозимда ишлаб келардиқ. Маъмурият билан ўртамазда тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 100-модда иккинчи қисм 2-бандига асосан бекор қилинди. Аммо иш бевувчи томонидан ишдан бўшатилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаб берилмади. Вужудга келган вазият юзасидан вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилдиқ.

Адолат қарор топмоқда

Бирлашма кенгаши юридик бўлими етакчи мутахассиси Орзигул Қозихонова томонидан иш ҳужжатлари ўрганилиб, тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ тегишли тартибда ўзгартирилди. Бизга Меҳнат Кодексининг 109-моддасига кўра ишдан бўшатилиш нафақаси ҳамда 67-моддасига асосан моддий кўмак бериш учун белгиланган кўшимча кафолатлар тақдим этилди. Бирлашмада фаолият юритаётган «Ишонч телефони» орқали меҳнаткашларнинг оғзаки мурожаатлари қабул қилиниб, уларни ҳал этишда касба уюшма мутахассислари бор куч ва билимларини ишга солаётганларидан миннатдоримиз. Бирлашмага «Ишонч телефони» орқали жорий йилнинг 11 ойида фуқаролардан жами 421 та мурожаат тушгани ҳамда уларнинг барчасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, иш бевувчилар билан музокара олиб боришганиги, шикоятларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилаётгани биз каби фуқароларни хушнуд этмоқда.

М.МАМАДАЛИЕВА, С.АБДУВАЛИЕВА, Қувасой шахри

Асл ёғ деб сотганди

Жамила эри олиб келган ёғни кўриб, ахабланди. — Бунинг каердан олдингиз, дедаси, қорамтирроқми? Маҳаллада берилмайдиганга ўхшамайдикун?

— Ёғдай ёғ-да, бозорда бир одам сотаётган экан, олаётганнинг ҳисоби йўқ. Анча пайт навбатда турдим, арзонгина, 1 литри бир минг 500 сўмдан экан. — Тозамикан ишқилиб? — Асл ёғ, деб сотаяпти, капдатта, мўйсафид одам, ҳар ҳолда алдамаса керак. Кўнглини гашлама-да, кечки овқатга сөрбё паловхонтўра дамла, бир ошхўрлик қилайлик. Шу гапдан сўнг Жамила диладаги гумонни қувиб, катта қозон тагига олов ёқди. Ёғ доғлангунга қадар гўшт, сабзи-

пизё тўғради. Борлиққа оқшом қуюлганда, барча оила аъзолари дастурхон атрофида тизилди. Паловхонтўра зўр бўпти, мактаб-мактаб ейилди. Кўтаринки қайфият билан ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган сериал томоша қилинди. Филмдан сўнг ҳамма ўз ётоғига йўналди, тун ярим-олдинда ошганда, болалар хархашаси бошланди, кейин эса катталар... Кимдир ўқчиган, кимдир қайт қилган, хотин ёл келтирган эрини койган, хуллас, хонадонни безовталик қамраганди. Яхшиямки, шифокорлар вақтида етиб келишди, бўлмаса...

Ёғфуруш-ку жазосини олди, бироқ унинг сингари мўмай даромад илинжида шайтонга ҳам дарс беришга қодир кимсаларнинг кўпайиб бораётгани кўнглига хижиллик солади. Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси жамоаси бу борада изчил фаолият юритаётди. Улар яширин ишлаб чиқариш билан боғлиқ қонунбузилишларни аниқлашда қилни қирқ ёришмоқда. Жумладан, маълумотларга асосан фуқаро А.Аметов ўзининг Бахт шаҳар Байзақов номли кўча 26-хонадонда қонунга хилоф равишда мойжувоз ускунасини ўрнатган ва ўзбошимчалик билан электр энергияси тармоғига улаб, чигитдан ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тезкор гуруҳ зуд-

лик билан масалага ойдинлик киритди ва воқеа жойидан 20 литр ўсимлик ёғи, 335 кг. кунжара, 318 кг. чигит, 1 дона мойжувоз ускунаси далилий ашё сифатида олинди.

Фуқаро А.Сунонов эса Сирдарё туман С.Раҳимов СФУдаги қорамол фермасининг ёрдამчи хўжалик биносида яширин тарзда мунтазам равишда ёғ ишлаб чиқарган. Лаборатория текширувида махсулот истеъмолга яроқсизлиги тасдиқланди ва унинг фаолиятига ҳам барҳам берилди. Хуллас, аниқланган ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, суриштирув-тергов натижаларига кўра, суд ҳукми билан қонунда белгиланган жазо тайинланди.


Мирза МАДРАНИМОВ, Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси йўзма ахборот таҳлил бўлими катта инспектори, адлия кичик маслаҳатчиси



Вақтни тўхтатиб бўлмайди

Безан «Тавба, кечагина кузни қаршилагандик, хаш-паш дегунча қиш ҳам келиб қолибди, умр ҳам сувдай оқиб кетаяпти», қабилидаги ажабланишларни эшитиб қоламиз. Беихтиёр кексаларнинг «Умр мисоли оқар дарё. Кўз очиб юмгунингча ўтади, кетади. Шундай бўлган, умрининг беҳуда ишларга сарфлама», деган насиҳатлари ёдга тушади. Орзу-ҳавасли дунё бу! Инсон борки, бола-чақа, сизир-бузоқ, эчки-улоқ ташвиши билан банд. Рўзор камини тўлдириш учун чет элларга сочилган ризқ-насибасини териб юрганларнинг ҳам юрагида бир дунё армон — Ватан соғинчига таскин тополмай ўртанмоқда. Бундай ҳолларда яна ота-боболарнинг ўғитлари, панд-насиҳатлари хотирга келади. «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан». Осмондан қор эмас, неъмат ёғаётган, кексалари тилидан сўз эмас, ҳикмат таралаётган мана шу обод юртимизда туриб дуога кўл очамиз: «Яратган ҳаммамизга бахт-саодат ва ҳалол ризқ берсин!» Нима ҳам деймиз. Вақтнинг тез ўтаётгани бор гап. Уни секинлаштиришга эса ҳеч кимнинг қурби етмаслиги ҳақиқат. Шундай бўлса-да, бизга таскин берадиган бир нарсаси бор. У ҳам бўлса, вақтдан унумли фойдаланишимиз кераклигидир!

Назира БОЙМУРОДОВА, Муаллиф ва Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган суратлар



Умр йўли

Оғир арабани бақамти тортиб, Анча манзилларни юриб кўйибмиз. Ҳаётнинг аччиғу чучуғини тоғиб, Даҳри дунёсини қўриб қўйибмиз. Биргаликда йиғлаб, бирга кулдиқ биз, Фарзандларнинг жажжи қўлидан тутиб. Бағримизда бекам ўсиди ўғил, қиз, Яшаймиш улар бахтини кўтиб. Оғриси оғридик, қийналса кўйдик, Ардоқлаб мана шу ҳаёт боғини. Бағзимда мени деб ўзини унутдинг, Ўқиб турдим мен ҳам қалб чирогини. Ҳаёт сўқмоқлари экан паст, баланд, Бу йўлда гов бўлди не иллатлараст. Қоқилсақ ҳам гоҳи қилмадик писанд, Ойла шаънини билиб муқаддас. Ҳар қандай синовда мардона туриб, Ўғиб ўтдик ҳаёт кўфатларини. Сабагга сувандик бўлса недири кам, Чиндай, чиндай ўтдик энгиб барини. Насиб қилди тақдир сийловлари ҳам, Яйрадик иккимиз кўксимиз осмон. Қўрган кўрсонимиз экан мустаҳкам, Кимлар бўлди оёқ остида хазон. Чиндикдик, бу тақдир берди кўп сабоқ, Қўрсонимиз чилвирга боғландик маҳкам, Боқсам, сочларга ҳам оралабди оқ, Демак, кексалликка қўйилмиш қадам. Виждоним олдига айтмоқчиман чин, Сизни яхши кўрсам менчалик ҳеч ким. Яхши-ёмон кечган кунларим учун, Сиздан миннатдорман азизим.

Химоят НАЗАРОВА Гулистон тумани

Кўшчаноқ бахт ҳаёя этади

Бир асрга яқин умр кўрган бобом шундай ҳикоя қиларди.

— Пахта териш, далада ишлаш саломатликка фойдали. Чунки барча аъзолар, айниқса, оёқ-қўллар доим ҳаракатда бўлади. Бадаандаги тузалар тер билан чиқиб кетади. Ёшлик йилларим сира эсдан чиқмайди, ишлаб чарчамасдик. Пахта терими бошлангич арасида дошқозонда ош дамланар, Куръон тиловат қилинар, сўнг «Бисмиллоҳ» деб пахтазорга кириларди. Уша кун барчанинг юз-кўзидан табасум аримас, кулгилар гурунларга уланар, деҳқон бува хурмати озода либослар кийилар, оғиздан бўлмағур сўзлар чиқмас, бирор ноғўя ҳаракатлар бўлмасди. Мабодо шундай хол сезилса, «ҳай, ҳай, деҳқон бува уради-я!» дейишарди. Қариялар ўғити ҳамон ёдимда: «болаларим, эсинларда бўлсин, кимда-ким ҳосил йиғилаётган пайтда ярамас қилиқ қилса, умр бўйи касоси оқармайди, ундан барака қолади...»

Дарҳақиқат, пахта мавсумининг ўзига хос ўйинлари бор. Шулар орасида «чучаноқ», «кўшчаноқ» (кўшқўсақ «барака» ҳам дейилади) жуда қизиқ. Кўшалок кўсақларнинг топилиши, бахт умидини ҳаёя этади. Айтишларича, биринчи «кўшчаноқ» кимга чиқса, у албатта бахтли бўларкан. Буни ўз бошимдан кечирганман, Муассар отлиғ санамни пахтазор кўйиндан тоғанман, уч йилдан сўнг тўйимиз бўлди. Эндикликда эса беш ўғил, бир қизнинг ота-онасимиз.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос

Кечмишнинг «эртаги»

Муҳоба учун мактаб йўлининг ҳар бир қаричи таниш ва қадрдон. Бу йўлдан унинг волидаси Умиринисо опа, акалари Собиржон, Қобилжонлар ҳам юришган. Лекин бугун унинг кўнгли гаш. Аксига дугониси Маъмура ҳам ботоб экан. Шунданми, ҳар қалай йўлнинг ўнг томонидаги эшикка ҳадиксираб қаради. Назариди ҳозир эшик очилиб, кўр Рихси кўришиб, уни қамаб қўядигандай туюлаверди. Хайтовур, эшик очилмади, Муҳоба тинчланиб, йўлида давом этди... Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Муҳоба Маҳмудовнанинг хаёли уни ўша ўтмишга, отаси Маҳмуд ака ҳикоя қилиб берган воқеалар силсиласига етаклади. Отаси, биз кўрган кунларни сизлар кўрманглар, деган гапни кўп айтар ва бошидан кечирган воқеаларни такрорлашдан чарчамасди.

Муҳоба ҳар сафар суҳбатдан кейин, отаси тез-тез қараб қўядиган кўлтиктаёққа узоқ термуларди. Командирнинг олға деган хитобидан сўнг «Ура» садоси остида жангга кирганлари ҳақида ва жанг билан боғлиқ воқеани ҳикоя қиларкан, фақат кўр Рихси билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида гапирмасди.

Маҳалла аҳолиси жуда тотув бўлиб, рус, украин, яҳудий, қозок, турк, қрим татарлари ва ўзбеклар бир оиладек яшашарди. Кирди-чиқди, олди-берди ҳам қилишарди. Аммо кўр Рихсининг миллатини ҳеч ким билмас, билишни ҳам истамасди.

Ҳамон ёдда, ҳайит кунлари маҳалла болалари бирга рамазон айтиб эшикма-эшик юрар, фақат бир эшик ёнига яқинлашганда секингина ўтиб кетишарди. Бирон хонадон соҳиби кўр Рихсини йўқлаб арафа оши ҳам чиқармасди.


Орадан ярим асрдан ошдик вақт ўтиб, кўз ўнгида жонланган воқеалардан Муҳоба Маҳмудовнанинг кўнгли гаш тортиди. Кўришиш хунук, юзлари чўтир, гўё тухум босиб ётган товўқдек хурпайиб ўтирадиган кўр Рихсининг кўзлари қулай пайт пойлаб ўлжасини чағалига оладиган қирғийнинг кўзини эслатар, шундан бўлса керак, уни кўрганда одамнинг юраги увишиб кетарди. Ким билсин, уладаси чиқиб кетган кийимларидан ёки танасиданми, қўлган хид таралиб турар, ош-овқати, иссиқдан, бозор-ўчаридан хабар оладиган, бир оғиз ширин сўз айтиб, меҳр кўрсатадиган на бир жигар гўшаси, на қариндоши ва на ёру дўсти бор эди.

Ҳар қалай одамларнинг хотирасида «Қизил комиссар» бўлган шу аёл тўфайли маҳаллада азият чекмаган бирон-бир хонадон қолмаган дейишганини эшитгани бор...

Бугун Муҳоба Маҳмудовна фарзандларига, набираларига отаси Маҳмуд ака ҳикоя қилганидек, ўзи гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида гапириб беради. Набиралари Саидкамол, Дилафрўз, Дибра мустақилликнинг ёшлари. Шунинг учун ҳам уларга бу гаплар қадимги бир эртақдай туюлади. Буни ҳис этган Муҳоба опанинг юзлари қувончдан порлайди. «Хурриятдан айланай», деб пичирлаб қўяди.

Мунира ХУДОЙБЕРДИЕВА

Утганларнинг охираги ошди... Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик санати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси раислар кенгаши жамоаси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Шухратбек Абдуллаевга уқаси Жамшидбек АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.



Шарҳсиз лавҳа

Гулистон тумани

Эртамиз эгалари

Бахтли элнинг бахтиёр кизи

Юртбошимиз ўз сўзларида ёшларга катта ишонч билдириши, Ўзбекистон келажаги айнан ўсиб келаётган ёш авлод қўлида эканини кўп бора таъкидлайдилар. Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг иккинчи босқич талабаси Гулзода Дилмуродова ана шундай изланувчан замондошларимиздан биридир.

У мактабда ўқиб юрган давридаёқ фаоллиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Еттинчи синфда тахсил олаётган чоғида «Балли, қизлар» кўрик-танловига жамоа сардори сифатида иштирок этиб, ўз жамоасининг галабасига катта улўш қўшди. Шу-шу Гулзоданинг ҳаётида ўз билимларини танловларда синаб кўриш, нафақат синаб кўриш, балки уларнинг аксариятида голиб бўлиш одатий ҳолга айланди. Қарши банк коллежига ўқишга қабул қилинган ҳам фаоллиги тўфайли тезда эътиборга тушиб, гуруҳ сардорлигига сайланди. У сардорлик қилган коллежнинг «Хидоя» жамоаси «Хуқуқ билимдонлари — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида энг яхши жамоа деб топилди, республика босқичида қатнашди.

Орадан бир йил ўтиб, танловда жамоа олий ўринини кўлга киритди. Гулзода «Энг фаол иштирокчи» номинацияси голиби бўлди. Сўнгра «Сиз кунунки биласизми?» республика танловига коллеж ёшлари фахрли иккинчи ўринини эгаллади. — Мана шу танловлар орқали хуқуқ илмига, қонунларга, жамият ҳаётига қизиқишим ошди. Парламент ҳаётида олиб борилаётган ишлар, қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнини, суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни мунтазам равишда кузатиб борадиган бўлдим, — дейди Гулзода. Коллежни имтиёзли диплом билан тугатган Гулзода Қарши муҳандислик иқтисодий институтига ҳужжат топширди ва талабали бахтига эришди. Айни пайтда у иқтисодий факультетининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси. Гулзода «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари марказининг таълим йўналиши лидери ҳамдир. Гулзода Дилмуродова давлатимиз раҳбари билан учрашгани ҳақида кескиз гурур

Касабақўм кутубхонасига

Истиқлол йиллари турли жабҳалар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ҳам жадал ривожланиш даври бўлди. Жумладан, энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланиши касба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги мақодини кўтариш, обрўсини юксалтириш борасида туб ислохотлар амалга оширилди.

Бизга нафи текканлар

Журналист И.Очиловнинг Давлат Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Янги нашр» нашриётида чоп этилган «Халқ хизматида» бадиий публицистик асариди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг йирик бўғинларидан бири бўлмиш Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобнинг биринчи бўлимида тармоқ касба уюшмалари вилоят кенгашиларининг тарихи, мустақиллик йиллари тизимда юз берган ўзгаришлар, мамлакат миқёсида амалга оширилган ислохотларда касба уюшма ташкилотларининг иштироки факт ва рақамлар асосида ёритилган. Утган 20 йил ичида тармоқ касба уюшмалари томонидан амалга оширилган тадбирлар вилоят халқ ҳўжалигининг тегишли тармоғида ўтказилган ислохотлар билан боғланган ҳолда ҳикоя қилиниши ўқувчининг вилоят ҳаётига оид воқеалар билан атрофлича танишишига имкон беради. Китобхон фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган касба уюшмаларининг бугунги ислохотлар жараёнидаги ўрни, иш берувчи ва ходимлар вакиллик органи ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик, меҳнат қончилигига риоя этилишини назорат қилиш, давлат ташкилотлари раҳбарлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлади.

Хусусан, «Инсонни улуғлаб, бахт топганлар» бўлимида касба уюшмалари тизимида меҳнат қилиб, ходимлар манфаати ва ҳақ-хуқуқларини ифода этиш ва ҳимоялашдек эзгу ишга ҳисса қўшаётган фаоллар ҳақидаги материаллар билан танишиш мумкин. Ўқувчи мутолаа қилиш баробарида шахслар ҳаёти ва меҳнат фаолиятига оид лавҳалар, касба уюшмаларининг фаолият йўналишлари, иш услублари, бугунги ислохотлар ривожидидаги ўрнига оид қизиқарли маълумотлардан хабардор бўлади. Муаллиф касба уюшмалари фаолиятини ёритиш билан бирга воқеий ҳикоялар, кичик лавҳалар орқали воҳа тарихини, мустақил Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётган бунёдкор халқ меҳнатини, халқ ҳўжалиги соҳалари тараққийтини, мўъжизакор табиатини ҳам кўрсатишга муваффақ бўлган.

Мана бир мисол: «...Айни саратон пайтида вилоятнинг Косон, Муборак туманларида ҳарорат 40-45 даражадан ошганда Шаҳрисабзнинг Филолида олча гуллаиди, яна сал юқориласангиз, сизни қорли чўққилар, сумалақлар қаршилайди. Ер юзиди камдан-кам учрайдиган бундай табиатни мўъжизага қиёс қиладилар...» Эки: «Бу ерларда сўнгсиз даштларга гўзаллик бахшида этадиган баҳорнинг умри 2 ойдан сал ошиб тугайди (Воҳоннинг дашт ҳудудларида) Кейин эса тандирдан олов пурақандек жазирама бошланади, чанг аралаш эсувчи гармсел кўз очиргани кўймайди, кўз ойлари кундузлари иссиқ, кечалари салқин келади, қишининг аёли изғиринларига матонатли, сабр-бардошли кишиларгина чидаб ишлайди...»

Қишлоқнинг ана шундай ажиб ва мафтункор табиати бу ерда яшовчи аҳоли қалбида ҳам ўзгача туйғулор бахш этади. Кўнгилларни ана шундай гўзалликдан тўғилдиган санъатта, иходга ошно қилиб қўяди. Исоқовлар оиласининг санъатга ошуфта бўлиб ўсишида ҳам буюк куйчи, буюк иждокор, буюк яратувчи бўлган она табиатнинг ҳадис ҳиссаси бор десак, муболага бўлмайди. Чунки, табиат ўз фарзандига истейдод бахш этади, фарзанд қалбида тугилдиган иход ҳам она табиат гўзаллигининг кўнглилардаги инъикоси бўлса, ажаб эмас.

Муҳими, асарни ўқиш жараёнида энг оммавий жамоат ташкилоти саналмиш касба уюшмаларининг халқ манфаати йўлидаги фаолияти, соҳа ходимларининг давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликда амалга ошираётган савобли ишлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўласиз.

«Халқ хизматида» асари фуқаролик жамиятини ривожлантириш, соҳа ходимлари томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар билан китобхонларни таништиришдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйганлиги билан аҳамиятлидир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of contributors.